

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган
Коррупцияга қарши курашиш бўйича тадбирлар режаси
бажарилиши тўғрисида ҳисобот

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни нормалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 2 февралдаги ПҚ–2752-сон қарори билан тасдиқланган 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг 2017 йил 30 мартдаги ва 2017 йил 3 июндаги баённомалари самарали ижро этилишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида коррупцияга қарши курашиш бўйича режалар тасдиқланди.

2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 23-бандини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 1 апрелдаги 90-сон буйруғи билан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурини ижро этишга доир амалий ҳаракатлар режаси (кейинги ўринларда 1-режа деб аталади) тасдиқланди, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг 2017 йил 30 мартдаги баённомаси топшириқларини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2017 йил 14 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурини, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг 2017 йил 30 мартдаги баённомасини ижро этишга доир коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлар режаси (кейинги ўринларда 2-режа деб аталади) тасдиқланди.

1 ва 2-режаларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирларни, коррупциянинг олдини олишга оид чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

1 ва 2-режаларнинг бўлимида коррупцияга қарши курашишга оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 2-бандини ижро этиш доирасида 1-режаларнинг 1-бандини ижро этиш мақсадида Молия вазирлиги “Давлат хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этди.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 3-бандини ижро этиш доирасида 1-режаларнинг 2-бандини ижро этиш мақсадида Молия вазирлиги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этди.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 4-бандини ижро этиш доирасида 1-режаларнинг 3-бандини ижро этиш мақсадида Молия вазирлиги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этди.

2-режаларнинг II бўлимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 14-бандини ижро этиш доирасида 2-режаларнинг “Молиявий назорат институтларини, ички ва ташқи аудитни янада мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши курашиш тадбирларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш” деб номланган 2-бандини ижро этиш мақсадида Молия вазирлиги томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратура билан биргаликда Вазирлик Ғазначилигининг биносида 2017 йил 30 май куни “Молиявий назорат институтларини, ички ва ташқи аудитни янада мустаҳкамлашнинг, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш тадбирларида уларнинг иштирокини фаоллаштиришнинг устуворликлари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари: давлат молия тизими ходимлари ва қуйидаги вазирлик ва идораларнинг: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўрта-махсус таълим маркази, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий банк,

Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси, Давлат солиқ қўмитасининг молия-ҳисоб хизматлари ходимлари.

“UzReport” ахборот агентлиги томонидан 2017 йил 30 май ва 1 июнь кунлари телевидениеда мазкур тадбир ўтказилиши ёритилди.

Мазкур тадбир ҳақидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет муассасалари молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув марказининг веб-сайтларига жойлаштирилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимидаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия томонидан 2017 йил 8 сентябрь куни вазирликнинг веб-сайтига “Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини ижро этишнинг асосий йўналишлари” мавзусида мақола жойлаштирилди.

Ушбу мақола асосида 2017 йил 9-10 сентябрь кунлари “Газета.uz” ва ru.sputniknews-uz.com таҳририяти томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолияти ҳақида қисқача ахборот жойлаштирилди.

3. 2017 йил 24-26 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Жаҳон банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган Давлат молиясини бошқаришда ўзаро ўрганиш ва тажриба алмашиш ҳамжамияти ички аудити ҳамжамиятининг (СВА) ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда Буюк Британия Бирлашган Қироллиги, Франция, Нидерландия, ЖАР, Руминия, Бразилия, Россия Федерацияси, Албания, Арманистон, Беларуссия, Болгария, Босния ва Герцоговина, Венгрия, Сербия, Македония, Украина, Қозоғистон, Грузия, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Хорватия, Черногория ва Чехия молия органларининг 60 дан зиёд расмий шахслари қатнашди.

Ички аудит ҳамжамияти Жаҳон банкива давлат молиясини бошқариш соҳасида фаолият кўрсатувчи жаҳоннинг 23 дан ортиқ мамлакатининг Молия вазирлиги ва фазначилик органлари мутахассисларини бирлаштиради.

Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад ўзаро ўрганишни ва тажриба алмашишни таъминлаш, давлат секторида ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этиш ва ўтказиш механизмларини, усулларини такомиллаштириш бўйича қўшма режалар ва тавсиялар ишлаб чиқишдир. Мамлакат Ҳукумати томонидан СВА котибиятининг Ўзбекистон Республикасида ишчи гуруҳлар Ялпи мажлисини ва мажлисларини ўтказиш тўғрисидаги қарори юқори баҳоланди. Ҳамжамиятга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида

давлат молиясини бошқариш масалалари юзасидан ўрганиш ва тажриба алмашиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга содиқлик билдирилди.

Жорий йилнинг 24-26 октябрь кунлари ўтказилган мазкур тадбир “UzReport” ахборот агентлиги томонидан телевидениеда ёритилди. Шунингдек, мазкур тадбирни ўтказиш тўғрисидаги ахборот вазирликнинг веб-сайтига жойлаштирилди.

4. Жорий йил 14 ноябрь куни “Пойтахт” бизнес-марказнинг “Учкудук” деб номланган конференциялар залида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази томонидан БМТТДнинг “Ўзбекистонда давлат молиясини ислоҳ қилишга кўмаклашиш” лойиҳаси билан биргаликда ташкил этилган “Давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилишнинг долзарб муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Конференция ишида Халқаро валюта жамғармасининг Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси бўйича фискал сиёсат маслаҳатчиси Жон Захроб, Жаҳон банки ваколатхонасининг мутахассиси Фазлиддин Раҳимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг давлат харидлари устидан назорат бўйича мутахассиси Ақром Тошпўлатов, Тошкентдаги Вестминистер Университети ўқитувчиси Омон Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Исмоилжон Мамажонов, Давлат молия назорати бош бошқармаси бўлими бошлиғи Алишер Насриддинов, Банк-молия академияси ўқитувчиси Зарина Сирожиддинова, Ўқув марказининг профессор ва ўқитувчилари ҳамда бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг қарийб 50 нафар вакили иштирок этди.

Тадбирда конференция иштирокчиларининг эътиборига қуйидаги мавзудаги маърузалар тақдим қилинди: “Бюджет шаффофлигини таъминлаш муаммолари”, “Давлат харидлари тизимида ислоҳотлар ва янги йўналишлар”, “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш”, “2018–2021 йилларда давлат молиясини бошқариш стратегияси”, “Бюджетни ўртача муддатга режалаштириш: жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон истиқболлари”, “Ўзбекистонда бюджет ҳисобини ислоҳ қилишнинг долзарб муаммолари”, “Давлат молиявий назоратини, ички ва ташқи аудитни ҳамда молиявий шаффофликни таъминлашнинг долзарб масалалари”. Ўзаро фикр алмашилди.

Конференция давомида ўз маърузалари билан сўзга чиққан халқаро ва миллий экспертлар таклифлари муҳокама этилди, 2018–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш стратегиясини янада такомиллаштириш жараёнида улардан фойдаланишга доир қарор қабул қилинди.

Жорий йилнинг 14 ноябрь куни ўтказилган мазкур тадбир “UzReport” ахборот агентлиги томонидан телевиденида ёритилди. Шунингдек, мазкур тадбирни ўтказиш тўғрисидаги ахборот вазирликнинг веб-сайтига жойлаштирилди.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 14-бандини ижро этиш доирасида 2-режанинг “Кўргазмали материаллар тайёрлаш ва улар асосида тадбирларни амалга ошириш” деб номланган 3-бандини ижро этиш мақсадида Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан кўргазмали материаллар асосида тадбирлар амалга ошириш мақсадида давлат харидларида коррупцияга қарши курашиш бўйича материаллар тайёрланди.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 15 ва 16-бандларини ижро этиш доирасида 2-режанинг 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11-бандларини ижро этиш мақсадида Молия вазирлиги ходимлари вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар томонидан ташкил этилган коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқув семинарлари, конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларда иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида 2017 йил 14 сентябрь куни “Давлат молияси ва давлат харидлари соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлат бюджетининг ғазна ижроси шароитида кўрилган чора-тадбирлар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва Ўқув маркази матбуот анжумани ташкилотчилари бўлди.

Тадбирда вазирликлар, идоралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Матбуот анжуманининг асосий мақсади ҳозирги жараёнлар, долзарб масалалар ва амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, шунингдек, Давлат молияси ва бюджет маблағларини ОАВ орқали бошқариш тизимини янада ислоҳ қилишга доир долзарб масалалар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишдан иборат бўлди.

Ўтказилган мазкур тадбир ҳақидаги матбуот учун ахборот вазирликнинг веб-сайтига жойлаштирилди.

1 ва 2-режанинг III бўлимида давлат ва жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралар кўришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 22-бандини ижро этиш доирасида 1-режанинг 4-бандини ва 2-режанинг 12-бандини ижро этиш, мансабдор шахслар ўз мансаб ёки хизмат вазифаларини самарали ижро этиши мезонларини, сифатли ижрони баҳолаш стандартлари ва тизимларини белгилаб берадиган идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мақсадида Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош

прокуратураси ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига таклиф юборилди, унда Мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар ўз мансаб ёки хизмат вазифаларини самарали ижро этиши мезонларини ва сифатли ижрони баҳолаш тизимини белгилаш бўйича намунавий низом (стандарт) ишлаб чиқиш учун етук мутахассислар орасидан эксперт гуруҳи ташкил этиш таклиф этилди.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 23-бандини ижро этиш доирасида 1-режанинг 5-бандини ва 2-режанинг 13-бандини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни нормалари самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида Давлат дастурини амалга ошириш доирасида Молия вазирлигининг 2017 йил 1 апрелдаги 90-сон буйруғи билан коррупцияга қарши курашишга доир қуйидаги режалар тасдиқланди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ–2752-сон қарори билан тасдиқланган 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурини ижро этишга доир амалий ҳаракатлар режаси 1-иловага мувофиқ;

- 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш тадбирлари самарадорлигини ошириш режаси 2-иловага мувофиқ.

Мазкур буйруқнинг марказий аппарат таркибий бўлинмалари, ҳудудий бош молия бошқармалари, давлат молиявий назорат бошқармалари ва ғазначилик бўлинмалари, шунингдек идоравий мансуб ташкилотларнинг барча раҳбарлари учун етказилиши таъминланди.

Ушбу буйруқ билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида қуйидагиларнинг таркиби янгиланди:

- Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия;
- 1-10-эксперт гуруҳлар;
- Эксперт гуруҳлар ишларини мувофиқлаштириш бўйича йиғма ишчи гуруҳ.

Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг 2017 йил 30 мартдаги баённомаси талаблари самарали ижросини таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги томонидан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурини, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг 2017 йил 30 мартдаги

баённомасини ижро этишга доир коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлар режаси ишлаб чиқилди ҳамда 2017 йил 14 апрелда тасдиқланди.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 24-бандини ижро этиш доирасида 1-режанинг 6-бандини ва 2-режанинг 14-бандини ижро этиш мақсадида Молия вазирлиги томонидан 2017 йил ҳисобот даврида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқили ва тасдиқланди:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони топшириғини сўзсиз ижро этиш тўғрисида” 2017 йил 4 мартдаги 49-сон буйруғи;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Молия вазирлигида ижро интизомини таъминлаш ва назорат қилиш тизимини молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 1 мартдаги 53-сон буйруғи;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорини ижро этиш тўғрисида” 2017 йил 21 апрелдаги 124-сон буйруғи;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош молия бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимликлари молия бўлимларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасига уланишини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 1 майдаги 131-сон буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Молия вазирлигининг таркибий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқиладиган ва бошқа вазирлик ва идоралар томонидан киритиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини тайёрлаш ва сифатли кўриб чиқишни ташкил этиш, шунингдек уларнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасига киритишни таъминлаш тўғрисида” 2017 йил 13 июлдаги 180-сон буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона портали электрон давлат хизматларини кўрсатиш

тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 26 сентябрдаги 255-сон буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот инфратузилмасидан фойдаланиш тартиби тўғрисида” 2017 йил 16 сентябрдаги 269-сон буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижросини амалга ошириш жараёнида ғазначилик бўлинмаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 15 ноябрдаги 285-сон буйруғи.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет муассасалари молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази томонидан 2017 йилда ходимлар орасидаги ҳуқуқбузарликларни тушунтириш ва уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказилди:

- 2017 йил 7, 14, 21, 28 октябрь ва 4 ноябрь кунлари Ўқув маркази томонидан молия вазири ёрдамчисининг, вазир ўринбосарлари референтларининг, шунингдек, вазирлик таркибий бўлинмаларидаги иш юритувчи ходимларнинг малакасини ошириш учун бешта ўқув семинари ташкил этилди. Семинарларнинг якунида тингловчиларга ўқув семинарларини тугатганлик ҳақида тегишли гувоҳномалар топширилди (Ўқув марказининг 2017 йил 27 сентябрдаги 170-сон буйруғи).

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 1 майдаги 131-сон буйруғини ижро этиш мақсадида 2017 йил 25 май куни “Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигида, шунингдек вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бош молиявий бошқармаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича инспекторлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонасига уланиш ва ишлаш” мавзусида видеоконференция ташкил этилди ва ўтказилди (Ўқув марказининг 2017 йил 18 майдаги 88-сон буйруғи).

- Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунини тушунтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Ғазначилик, Пенсия жамғармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари, шунингдек, ғазначиликнинг ҳудудий бўлимлари ходимлари учун 2017 йил 3 октябрь куни “Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни мазмун-моҳиятини тушунтириш” мавзусида видео-семинар ташкил этилди ва ўтказилди (Ўқув марказининг 2017 йил 22 сентябрдаги 167-сон буйруғи).

Идора буйруқлари ижросини таъминлаш, ходимлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича идоравий назорат механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан, илғор илмий-техник воситалар, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали такомиллаштириш мақсадида Молия вазирлиги томонидан ижро интизоми устидан назорат ва мониторинг олиб боришнинг яхлит тизими яратилди. Қуйидагилар унинг асосий ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади:

- вазирлик марказий аппарати тузилмасида ташкилий тузилманинг барча даражаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари ва ҳужжатларининг ўз вақтида ҳамда тўлиқ ижро этилиши устидан, ижро интизоми устидан назорат олиб боришни мувофиқлаштиришни таъминловчи назорат бўлими ташкил этиш;

- ҳар бир таркибий бўлинмада назорат олиб бориш ва назорат топшириқлари ижроси ҳолати устидан масъул ходимларни белгилаш, шунингдек, ҳужжатларни бажариш муддатларини ўтказиб юборишнинг олдини олиш масалаларини назорат қилувчи бўлим билан мунтазам ҳамкорлик қилиш;

- бошқармалар тўғрисидаги низомларда ижро интизоми тизимини сифатли ташкил этиш, тошириқларни ҳисобга олиш, назорат қилиш, ўз вақтида ва пухта бажариш учун мажбуриятни мустаҳкамлаб қўйиш;

- топшириқлар бажарилишининг ҳолати устидан ҳар куни мониторинг олиб бориш ва таркибий бўлинмаларда ижро интизомини назорат қилиш, раҳбариятни топшириқларни бажаришнинг бориши тўғрисида хабардор қилиш ва белгиланган муддатларга риоя қилиш механизми амалга оширилиши амалиётда таъминлаш;

- вазирлик ходимлари учун вазир раҳбарлиги остида ҳар ҳафта аппарат кенгашлари ва ҳудудлар иштирокида селектор кенгашлар ўтказиш, уларда раҳбарият ва республика Ҳукумати топшириқларини ўз вақтида ва сифатли ижро этиш бўйича ишлар ҳолатини танқидий кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 24 сентябрдаги 38-сон буйруғига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги учун умумий бўлган “Нужат-МФ” ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларинини фаол қўллаш, “Нужат-МФ” сўнгги ижрочиларни қамраб олган ва ижро ҳолати тўғрисида доим эслатиб турган ҳолда ахборот тизими ташкилий тузилманинг барча даражаларида электрон ҳужжат айирбошлаш таъминланаётганлигини ва ижро интизомини интерактив назорат қилиш таъминланаётганлигини ҳисобга олган ҳолда доим такомилга етказилади.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 25-бандини ижро этиш доирасида 1-режанинг 7-бандини ижро этиш мақсадида Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати ходимлари орасида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг намунавий одоб-ахлоқ қоидалари нормалари ва талабларини тушунтириш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланди.

Мазкур Тадбирлар режасини ижро этиш мақсадида Вазирлик томонидан қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

- Вазирликка келаётган фуқароларни Вазирликнинг 2016 йил 25 апрелдаги 64-сон буйрғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизими ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари билан таништириш бўйича ишлар ташкил этилди;

- Бош бошқармалар, Молия вазирлиги аппарати бошқармалари томонидан ходимлар билан тушунтириш ишлари ўтказилди.

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази томонидан 2017 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори ижросига бағишланган видеоконференция ўтказилди. Мазкур тадбирда Молия вазирлиги тизими, шунингдек ҳудудий бўлинмалар молия органлари ходимлари “он-лайн” режимида иштирок этди. Видеоконференция ўтказилишидан кўзланган мақсад молия ходимларида Одоб-ахлоқ қоидаларини мустаҳкамлашдир, бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни содир этишга имкон берадиган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга, марказий аппарат молия органлари ва маҳаллий органлар ходимлари хизмат вазифаларини бажаришда Конституция қоидаларига, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этишни таъминлашга қаратилган.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази томонидан 2017 йилда махсус курс доирасида “Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмлари” мавзусида ўқиш ташкил этилди, Молия вазирлиги тизими кадрлари малакасини оширишнинг ўқув-мавзули режалари тасдиқланди.

Махсус курсга “Давлат бошқаруви органлари ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари” мавзуси киритилди. 2017 йилда ушбу мавзу бўйича малака ошириш жараёнида Молия вазирлиги тизимининг 1619 нафар ходимига ўқув тренингаир ва семинарлар ўтказилди.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 29-бандини ижро этиш доирасида 1-режанинг 8-бандини ва 2-режанинг 15-бандини ижро этиш мақсадида Молия вазирлиги томонидан бюджет маблағларини шакллантириш ва тасарруф этиш жараёни

шаффофлигини, шунингдек, уларни тақсимлаш тўғрисидаги ахборотнинг очиклигини таъминлаш соҳасида Тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ушбу Тадбирлар режаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан 2017 йил 30 июндаги 2-сонли Баённома билан тасдиқланди.

Мазкур Тадбирлар режасини ижро этиш мақсадида Молия вазирлигининг веб-сайтига қуйидаги ахборот жойлаштирилди:

- ўтказилган назорат тадбирлари сони, аниқланган ўғирликлар, етишмаётган маблағлар ва ноқонуний харажатлар ҳамда бюджетда уларнинг ўрнини тўлдириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берилган материаллар сони тўғрисида Давлат молиявий назорат бош бошқармаси ахбороти;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ишонч телефонида тушган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида ахборот, уларни кўриб чиқиш натижалари ва кўриб чиқиш натижалари бўйича кўрилган чора-тадбирлар;

- бюджет жараёни, консолидациялашган бюджет ва бюджет тизими бюджетлари таърифига эга 10 та инфографика;

- Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва маҳаллий бюджетларнинг 2017 йил I чорагидаги, I ярим йиллигидаги ва 9 ойидаги ижроси тўғрисида бешта очик (ўқиладиган) форматда;

- қуйидаги амалга оширилаётган норматив-ҳуқуқий лойиҳалар тўғрисида: Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг (ДБХМС) “Бюджет ташкилотларида ижара ҳисоби” 5-сон лойиҳаси; ДБХМСнинг “Асосий маблағлар” 7-сонли лойиҳаси; ДБХМСнинг “Қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисоби” 4-сонли лойиҳаси; ДБХМСнинг “Товар-моддий захиралар” 6-сонли лойиҳаси; ДБХМСнинг “Миллий валютада ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби” лойиҳаси; ДБХМСнинг “Ҳисоб сиёсати” 2-лойиҳаси;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги 274-сон қарори билан тасдиқланган Аудиторлик хизматлари бозорида адолатли рақобатни таъминлашга кўмаклашувчи аудитор ташкилотлар жавобгарлигини ошириш, унинг фаолиятини таъминлаш ва ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг жорий йил биринчи ярим йиллигидаги ва 9 ойидаги ижросининг бориши тўғрисида;

- ёқилги-энергетика ресурслари, коммунал хизматлар (сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти хизматлари учун) тарифлари, товар бозорларида устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар товарлари ва хизматлари нархлари;

- 2017 йил 9 ойи давомидаги суғурта хизматлари бозори тўғрисидаги маълумотлар;

- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим ва ўқув-қўшимча муассасалари штатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғига ўзгартишлар киритиш ҳақида”2017 йил 13 июлдаги 226-сон буйруғи;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида 2017 йилдаги музокаралар тўғрисида;

- “Давлат харидлари нима” инфографикаси;

- Республика китоб жамғармаси даромадлари ва харажатлари параметрларини ижро этиш тўғрисида; 2017-2018 ўқув йилида умумтаълим мактаблари учун дарсликлар мажмуи учун ижара ҳақи миқдори;

- фуқароларга кўрсатиладиган функциялар сифатида белгиланган интерактив хизматлар ва мажбуриятлар ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг виртуал қабулхонасига мурожаат; вазирликнинг марказий аппаратига мурожаатлар, ахборот олиш ҳақида электрон сўров, мавжуд бўш ўринлар ҳақида ахборот; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида жисмоний шахларни ва юридик шахслар вакилларини қабул қилиш жадвали;

- интерактив давлат хизматлари ягона портали (ИДХЯП) ҳақида: мурожаатларни кўриб чиқиш;

- норматив ҳужжатларни муҳокама қилиш;

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига солиқ маслаҳатчилари институти фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (2017 йил 13 сентябрда жойлаштирилди);

Солиқ маслаҳати миллий стандарти (5-сонли СММС) “Солиқ маслаҳатчилари иши сифати устидан ички назоратни ташкил этишга қўйилган талаблар” (2017 йил 31 августда жойлаштирилган);

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси молия бозорини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида (2017 йил 21 июлда жойлаштирилган);

Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарининг иштирокчи ташкилотлари томонидан имтиёзлар қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида (2017 йил 10 июлда жойлаштирилган);

- 2017 йил 25 сентябрдаги матбуот учун ахборот. Давлат молияси ва давлат харидлари соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлат бюджети ғазна ижроси шароитларида кўрилган чора-тадбирлар;

- 2017 йил 8 сентябрдаги матбуот учун ахборот. Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати ижросининг асосий йўналишлари;

- Молия вазирлигида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳар ойлик статистикаси;

- Россия Федерал Ғазначилиги вакиллари ташрифи (2017 йил 19-22 июль кунлари. Тошкент шаҳри);

- Ғазначилик бошлиғининг биринчи ўринбосари Д.Пўлатовнинг “Менинг юртим” каналида “Тадбиркорлардан саволлар” дастурида 2017 йил 15 август кунги иштироки тўғрисида;

- “Давлат молияси ва давлат харидлари соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлат бюджети ғазна ижроси шароитларида кўрилган чора-тадбирлар” мавзусида матбуот учун ахборот;

- “Давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилишнинг долзарб муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция тўғрисида ахборот;

- фуқаролар учун бюджетни шакллантириш концепциясини ҳукумат ва фуқаролик жамияти вакиллари томонидан биргаликда муҳокама қилиш тўғрисида;

- ўртача муддатли молиявий режалаштириш механизмларини ишлаб чиқиш лойиҳаси натижаларини Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази томонидан муҳокама қилиш бюджет жараёни самарадорлиги ва натижадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари.

Молия вазирлиги томонидан бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлаш жараёни шаффофликни, шунингдек, уларни тақсимлаш тўғрисидаги ахборотнинг очиқлигини таъминлаш соҳасида қўшимча коррупцияга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сон қарорининг 10-бандида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигиша ўзларининг идоравий мансуб муассасаларининг харажатлар сметаси ва улар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек, товарлар (иш

ва хизматлар)ни харид қилиш бўйича тузилган шартномаларнинг рўйхатларини расмий сайтларида эълон қилиш топширилди.

Бюджет жараёнида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш мақсадидақуйидагилар қабул қилинди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 7 июндаги ПФ–5075-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғрисида” 2017 йил 7 июндаги ПҚ–3042-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кучайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида 2017 йил 29 июндаги 445-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 13 декабрдаги ПФ–5283-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқлар, штатлар ва контингентга доир режани бажариш тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғига ўзгартишлар киритиш ҳақида” 2017 йил 17 ноябрдаги буйруғи.

Қуйидагилар ишлаб чиқилди:

- “Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси концепцияси ва “Давлат молиявий назорати тўғрисида” қонун лойиҳаси, унинг мақсади давлат молиявий назорати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан, Ўзбекистон Республикасида давлат молиявий назоратини амалга оширишнинг ягона ҳуқуқий ва методологик асосларини белгилашдан иборат;

- Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг “Давлат органлари ёки мазкур органлар мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқароларга ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш мақсадида Давлат бюджети ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобига пул тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “2008 ва 2009 йилларда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, шунингдек унга ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қарорини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида”ги қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Хатлов ўтказилганда аниқланган мол-мулк камомати ва ортиқчалигининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ҳисоб-палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммасини Давлат бюджети даромадларига йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қарори;

- Молия вазирининг “Ижтимоий соҳа ташкилотлари бўйича бюджетдан молиялаштириш йиллик базавий нормативларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги буйруғи;

- Молия вазирининг “Молия органларида бюджетдан маблағлар олувчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатларига ҳақ тўлашни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги буйруғи;

- Молия вазирининг “Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи;

- Молия вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар томонидан даврий молиявий ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи;

- Молия вазирининг “2008 ва 2009 йилларда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, шунингдек унга ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қарорини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида”ги қарори;

- Молия вазирининг “Давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш ва тақдим этиш муддатларини аниқлаш тўғрисида”ги буйруғига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

“Пойтахт” бизнес марказида 2017 йил 4 декабрь куни фуқаролар учун бюджетни тайёрлаш ва эълон қилиш концепциясини муҳокама қилиш бўйича давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Давлат бюджети бош бошқармаси ва Молия вазирлиги Ўқув марказининг фаол кўмагида БМТ Тараққиёт дастури (БМТТД) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ўзбекистонда давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилишга кўмаклашиш” қўшма лойиҳасини амалга ошириш доирасида ўтказилди. Тадбирда манфаатдор томонларнинг, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, соҳага ихтисослашган қатор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Банк-молия академияси ва Тошкент молия институти, Олий Мажлис ҳузуридаги ННТни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” жамоат хайрия фонди, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг 60 дан ортиқ эксперти иштирок этди.

Мазкур тадбир тўғрисидаги матбуот учун ахборот 2017 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг веб-сайтига жойлаштирилди. Бундан ташқари, мазкур тадбир тўғрисидаги ахборот 2017 йил 6 декабрь куни “Газета.uz”да эълон қилинди.

Бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлаш жараёни шаффофлигини таъминлаш соҳасидаги коррупцияга қарши қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2017 йил 11 декабрь куни “Пойтахт” бизнес марказида Ўқув маркази томонидан бюджет жараёни самарадорлиги ва натижалари муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси бюджет жараёни самарадорлиги ва натижадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ўртача муддатли молиявий режалаштириш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа натижалари муҳокама қилинди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад ўртача муддатли молиявий режалаштириш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича эришилган асосий натижаларни муҳокама этиш бўлди.

Ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлиги Ғазначилиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Прогнозлаштириш ва макроиктисодий ҳамкорлик институти, Иқтисодий тадқиқотлар маркази ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбати якунлари бўйича Давлат бюджетини ўртача муддатли бюджетга асосланиб тузишнинг ўзгарувчан жадвалини жорий этиш, ўртача муддатли бюджетни режалаштириш ва бюджетлаштиришга ўтиш концепциясини амалга оширишнинг аниқ муддатларини белгилаш, шунингдек, амалга ошириладиган лойиҳаларни самарали мувофиқлаштиришни таъминлаш бўйича вариантлар ва тавсиялар таклиф этилди (Ўқув марказининг 2017 йил 27 ноябрдаги 197-сон буйруғи).

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 30-бандини ижро этиш доирасида 1-режанинг 9-бандини ва 2-режанинг 16, 17, 18, 19 ва 20-бандларини ижро этиш мақсадида Молия вазирлиги томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақиқлари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 21 августдаги ПҚ–3231-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор таълим ва тиббиёт муассасаларида бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмини такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг идоравий мансуб муассасаларида бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш йўли билан бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва профилактикасига қаратилган давлат молиявий назоратининг ролини тубдан қайта кўриб чиқиш мақсадида қабул қилинди.

Халқ таълими, мактабгача таълим, олий ва ўрта махсус таълим вазирликларида (уларнинг ҳудудий бўлинмаларида), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкил этилди.

Куйидагилар ноқонуний харажатларнинг ва бюджет маблағларини ўғирлашнинг профилактикаси, олдини олиш ва уларни аниқлаш республика ва ҳудудий даражадаги ички аудит ва молиявий назорат хизматларининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- идоравий мансуб муассасаларда харажатлар сметаларини режалаштириш ва ижро этиш, бюджет ҳисобини юритиш, тендер (танлов) савдоларини ўтказиш ва шартномалар тузиш устидан мониторинг олиб бориш;

- идоравий мансуб муассасалар ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари раҳбарлари учун бюджет ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш, асоссиз дебиторлик ва кредиторлик қарзларга йўл қўймаслик, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджетдан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шу жумладан, товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш, шунингдек, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари кадрлар таркибини мустаҳкамлаш масалалари бўйича тавсиялар тайёрлаш;

- идоравий мансуб муассасаларга ижро этиш мажбурий бўлган аниқланган қонунбузарликларни, шунингдек, уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларни киритиш.

Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси қуйидаги қўшимча вазифаларни белгиллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармасига айлантирилди:

- бюджет ташкилотларида бюджет маблағларини бошқариш ва бюджет ҳисобини юритиш бўйича автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда бюджет ташкилотлари молиявий фаолияти устидан доимий мониторинг олиб боиш;

- бюджет ташкилотлари билан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш бўйича доимий асосда профилактика ишларини амалга ошириш;

- бюджет ташкилотларида аниқланган пул маблағлари, моддий қимматликлар ўғирланишини, камомadini, харажатлар сметаларини, штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш тартиби бузилишини ва бюджетга доир қонун ҳужжатларининг бошқача бузилишини чуқур таҳлил қилиш ҳамда уларни содир этишга имкон берган шароитларни бартараф этиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш;

- масофавий назоратни кенг қўллаш, замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базалари ёрдамида объектларни ва текшириш мақсадларини аниқлаш орқали самараси паст тафтишларни камайтирган ҳолда бюджет ташкилотларини текшириш самарадорлигини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 6 ноябрдаги 276-сон буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати

бош бошқармасининг ва унинг давлат молиявий назорат ҳудудий бошқармаларининг штат жадваллари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат молиявий назорати бош бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 24 октябрдаги 870-сон қарор қабул қилинди.

Давлат молиявий назоратини такомиллаштириш бўйича идоралараро кенгаш тузилди ва унинг асосий вазифалари белгилаб олинди:

- характерли ва тизимли молиявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни назарда тутувчи давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштиришнинг истикболли йўналишларини белгилаш;

- давлат молиявий назоратини ва ички аудитни ташкил этиш ва ўтказишнинг халқаро эътироф этилган усуллари ва воситаларини жорий этишга доир таклифларни кўриб чиқиш;

- давлат молиявий назорати ва ички аудит органлари ҳамкорлигини таъминлаш.

Молия вазирлигининг 2017 йил 13 сентябрдаги буйруғи билан Давлат бюджети бош бошқармаси ҳузурида 1 штатга эга Бюджетни тузиш методологияси ва ғазна ижроси, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ташкил этилди. Методология бошқармасининг қуйидаги асосий вазифалари белгилаб олинди:

- бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлигини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари мустақиллигини таъминлашга, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромад базасини кенгайтиришдан ва бюджет тизими бюджетлари маблағларидан оқилона фойдаланишдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган илғор халқаро тажриба асосида бюджет жараёни методологиясини такомиллаштириш;

- бюджет ҳисоби ва ҳисоботини янада такомиллаштириш, замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда бюджет тизими бюджетлари ғазна ижросини ва давлат молиявий назоратини ривожлантириш;

- республика ва ҳудудлар даражасидаги ички аудит ва молиявий назорат хизматлари фаолиятини ташкилий-методик таъминлаш ва мувофиқлаштириш, уларнинг фаолиятига ички аудит ва молиявий назорат халқаро стандартларини жорий этиш.

Молия вазирлиги томонидан “Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги Концепция ва Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тайёрланди.

Ички молиявий назорат, шу жумладан, ички аудит замонавий тизимининг хорижий тажрибасини ўрганиш мақсадида Молия вазирлиги Ғазначилиги ва Ўқув маркази

ходимлари Венгрия пойтахти Бухарест шаҳрида 2017 йил 29-31 март кунлари ўтказилган РЕМПАЛ ҳамжамиятининг “Амалиётда аудит” ва “ички назорат масалалари бўйича” ишчи гуруҳлари мажлисларида иштирок этди.

Изоҳ:

РЕМПАЛ (Public Expenditure Management Peer Assisted Learning – “Давлат молиясини бошқаришда ўзаро ўқитиш ва тажриба алмашиш” дастурига 2006 йилда Жаҳон банки кўмагида асос солинган. Дастур Европа ва Марказий Осиёнинг 23 та мамлакатидан давлат молиясини бошқариш соҳасида ислохотлар ўтказишда кўмаклашишга қаратилган ҳамда салоҳиятни оширишга ва билим алмашишга кўмаклашади. РЕМПАЛ учта амалиёт ўтказувчи жамиятларда – бюджет, ғазначилик ва ички аудит бўйича ҳамжамиятда ишловчи юксак савияли амалиётчиларни бирлаштиради.

Молия вазирлиги томонидан халқ таълими, мактабгача таълим, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ходимлари иштирокида 2017 йил 8 сентябрь куни халқ таълими, мактабгача таълим, олий ва ўрта махсус таълим вазирликларида, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида ички аудит ва молиявий назорат хизматларини ташкил этишга доир ташкилий масалалар юзасидан семинар-маслаҳат ўтказилди.

Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси томонидан бюджет ташкилотларида молиявий жинойтларни содир этиш сабаблари таҳлил қилинди, улар гуруҳларга ажратиб чиқилди ва аниқланган ҳуқуқбузарликлар таҳлил қилинди.

Давлат молиявий назорати соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш мақсадида Молия вазирлиги ўзининг моддий-техник ҳолатини мустаҳкамлаш учун 2017–2020 йилларда жаҳон инклюзив жамиятлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича БМТТД Глобал лойиҳаси (АСPIS) доирасида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсат ва тадбирларни қўллаб-қувватлашга доир дастурда иштирок этмоқда.

Молия вазирлигининг масъул ижрочилари халқаро тажрибани ўрганишни давом эттириш орқали:

- Давлат молиявий назорати миллий стандартларини;
- ҳуқуқбузарликлик классификатори ва уларни аниқлаш усулини;
- аудитор хавф-хатарларини баҳолаш усулини;

- бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан “Камерал назорат” дастурий таъминотларининг техник топшириқларини ишлаб чиқишда ва уни фаолиятга жорий этишда иштирок этади.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 30-бандини ижро этиш доирасида 1-режанинг 10-бандини ижро этиш мақсадида Молия вазирлиги томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Молия вазирлигининг 2017 йил 28 августдаги буйруғи билан ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 21 августдаги ПҚ–3231-сон қарорида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Молия вазирлигининг 2017 йил 28 августдаги 225-сон буйруғи билан “Ички аудит ва молиявий назорат хизматларининг вақтинчалик намунавий низоми” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Халқ таълими, мактабгача таълим, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиқларининг, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли буйруқлари билан Ички аудит ва молиявий назорат хизмати тўғрисидаги вақтинчалик низом тасдиқланди.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 33-бандини ижро этиш доирасида 1-режанинг 10-бандини ижро этиш мақсадида Молия вазирлигига қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар тақдим этилди.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 34-бандини ижро этиш доирасида 1-режанинг 11-бандини ижро этиш мақсадида Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 майдаги Комплекс тадбирлар режаси асосида таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бошқа соҳаларида аҳоли учун адолатли шарт-шароитлар ва тенг имкониятлар яратишга, коррупциявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликка қаратилган 2017–2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши амалий чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва ижро этилмоқда.

Давлат дастурининг (2017.02.02. ПҚ–2752) 38-бандини ижро этиш доирасида 2-режанинг 14, 15, 16-бандларини ижро этиш мақсадида Молия вазирлиги томонидан электр энергиясини, табиий газни реализация қилиш соҳасида, шунингдек, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қуриш соҳасида содир этилган жиноятларни таҳлил қилиш асосида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шарт-шароитлар яратадиган ва имкон

берадиган омилларнинг олдини олишга қаратилган тегишли таклифлар тайёрланди ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тақдим этилди.

Юридик бошқарма томонидан 2017 йилда 3123 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг буйруқлари ва қарорлари лойиҳалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари лойиҳалари кўриб чиқилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги методик кўрсатмаларга (2012 йил 9 апрелдаги 2352-сон), Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига (2014 йил 28 февралдаги 2565сон) ва Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш методологиясига (2015 йил 25 декабрь 2745-сон) мувофиқ лойиҳаларни уларда коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормалар борлигини аниқлаш мақсадида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш чоғида Юридик бошқарма томонидан таҳлил ўтказилди.

Коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тегишли норматив кўрсатмаларини қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ижрочиларига нисбатан танқидий мулоҳазалар билдирилди.

Молия вазирлигининг вакиллари 2017 йил 18 декабрь куни Бош прокуратура томонидан ЕХХТ ва БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси кўмагида ташкил этилган “Очиқ эшиклар куни” доирасида халқаро конференцияда иштирок этди. Молия вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида материаллар (альбомлар, плакатлар, буклетлар ва хоказолар) тақдим этилиб, улар ахборот-тарғибот материаллари кўргазмасига жойлаштирилди. Дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган мазкур тадбир Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунига бағишланди.

Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва Ўқув маркази вакиллари 2017 йил 27-29 ноябрь кунлари Осиё тараққиёт банкининг (ОТБ) Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси томонидан ташкил этилган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича ОТБ сиёсати билан танишиш, харидлар ва контрактлар жараёнида ҳалоллик тамойиллари бузилишини аниқлашда кўникмаларни мустаҳкамлаш” мавзусидаги семинарда иштирок этди.

Тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги маърузалар ва уларга оид тегишли материаллар белгиланган муддатларга риоя қилган ҳолда Идоралараро комиссияга тақдим этилди.